

Хозирги замон ўқувчиси тарихий шахслар ва воқеалар ҳақида чин ҳақиқатни билишга катта эҳтиёж сезади. Истиклол шарофати билан Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид нуфузли тарихий манбалар чоп этилган. Натижада ўқувчининг чин ҳақиқатни билишга бўлган эҳтиёжини қондириш имкониятлари кенгайди.

Биз куйида шу имкониятлардан фойдаланиб, Амир Темурнинг Каршидан бошланган улкан зафарларини илмий бадиъа шаклида кўрсатишга интилдик.

Темурбек йигирма беш ёшида мўғул истилосидан ҳалос бўлишга қаратилган халқ озодлик ҳаракатига етакчилик қилган ва Чигатайхон авлодидан бўлган Илёсхўжахон билан унинг золим амири Бекичикни 1363-1364 йилларда Вахш дарёси бўйида ва Кеш вилоятида мағлуб этиб, катта нуфузга эришган эди. Ўши қирқларга борган маккор Амир Хусайн қайноғалик ҳуқуқидан фойдаланиб, Темурбекнинг ёнига иттифокдош бўлиб суқулиб қиради. Кейинчалик Темурбек унинг гаразли мақсадларни кўзлаганини сеза бошлайди. «Амир Хусайн менинг галаба ва ютуқларимни кўролмайди, ҳасад ичини кемиради, ҳамма вақт мени мағлуб этиш пайида бўлиб, фириб бериб келарди», деб ёзади «Темур тузуқлари»да.

1365 йилда Тошкент билан Чиноз оралигида мўғуллар билан бўлган «лой жанги»да Амир Хусайн Темурбекка хиёнат қилиб, унинг қўшинига катта талофат келтиради. Ўзи эса ҳарбий қучларини сақлаб қолиб катта устунликка эришади ва Туроннинг бош ҳукмдори даражасига кўтарила бошлайди. (Бу ишда унга чингизий хонларнинг қариндоши Амир Мусо ёрдам беради. Амир Хусайн мўғул хони Тармашириннинг кизига уйланган эди. Бу кизнинг онаси Ўрдухотин Хусайнбекка ўз ҳукмини ўтказадиган қайноналардан эди. Шу хотиннинг маслаҳати билан дарвешнамо мўғул шахзодаси Қобулшоҳга хонлик лавозими берилган эди. Унинг ҳукми билан Самарқанд шаҳри Темурбек ихтиёридан олиниб, Амир Хусайн тасарруфига ўтказилади.

Атрофини мустамлакачи чингизийлар ўраб олган Амир Хусайн хийлаю найранг ишлатиб, Амир Темурга қарашли бўлган Қарши қалъасига ўзининг мўғул қариндоши Амир Мусони ҳоким қилиб қўяди, унинг ихтиёрига етти минг қўшин беради.

Амир Хусайн ва унинг вазиру амирлари худди мўғул истилочилари қаби халқни талаб бойлик орттирар эдилар. Амир Хусайн Чингизхон жорий этган шафқатсиз ёсоқ қонунларига асосланиб, арзимаган гуноҳлар учун ҳам одамларни қатл эттирар эди. Солиқлар орасида божу хирождан ташқари амалдорларга алоҳида тўланадиган «шилон», «қўналга», «саворий», «моли жихот» қаби шариятда йўқ, фақат чингизийлар жорий этган оғир солиқлар ҳам Хусайнбек амалдорлари томонидан шафқатсизлик билан ундириларди.

Амир Хусайн худди мўғул хонларига ўхшаб фақат ҳарбий қучга таяниб, зўравонлик ва талончилик сиёсатини олиб борган сари аҳоли орасида унга қарши норозилик қучайиб борар эди.

Бутун халқ золим чингизийлар истилосидан қандай қутулган бўлса, золимликда улардан қолишмаётган Амир Хусайн одамларидан ҳам шундай ҳалос бўлишни истарди. Темурбек халқ орасида адолатли раҳбар бўлиб танилгани сари Амир Хусайндан ихлоси қайтган ва Темурбек байроғи остига йигилиб келаётган қучлар тобора кўпайиб бормокда эди. Темурбек ҳар қанча сабр-бардошли бўлса ҳам, энди Чингизийлар истибдодини давом эттираётган Амир Хусайнга қарши ҳаёт-мамот қурашига чикмай туролмайди.

Унинг кўл остидаги мингдан ортик садокатли беку навкарлар Темурбекнинг Амир Хусайнни бартараф қилиш ҳақидаги қарорини маъқуллайдилар. Темурбек яқин беклари билан қилган махфий машваратда энг аввал ўзи иморатини қурдирган Қарши қалъасини Амир Хусайндан тортиб олиш режасини тузади. Баъзи амирлар эрта тонгда қалъага ҳужум қилиш ва юзма-юз жанг билан уни эгаллашни таклиф қиладилар.

Бирок Темурбек бу таклифни қабул қилмайди. Чунки Қарши қалъасида беш минг, унинг атрофида етти минг кўрикчи аскарлар бор эди.

Тонг отганда бўладиган юзма-юз олишувда ҳар икки томондан кўп талофат бўлиши ва бундай жанг фуқаролик урушини келтириб чиқариши мумкин эди.

Холбуки, Амир Хусайн сўнгги йилларда хийлаю найранг билан ўз томонига оғдириб олган беку навкарларнинг кўпчилиги бир эл, бир юртнинг фарзандлари эдилар.

Уларнинг орасида бир вақтлар халқ озодлик ҳаракатига қўшилиб, Темурбек кўл остида жанг қилган йигитлар кўп эди. Келажакда агар Темурбек ва унинг содиқ навкарлари адолат учун курашда қолиб қолсалар Амир Хусайн томонига гумроҳлик қилиб ўтиб кетган беку навкарларнинг кўпчилиги Темурбек байроғи остига қайтиб қелишлари мумкин эди.

«Лой жанги»да жуда кўп одамани йўқотиб аччиқ тажриба ортирган Темурбек ҳозир унга садокат саклаб хизмат қилаётган сипохийлардан ҳеч бирини ортиқча ҳавф-хатарга дучор қилишни истамайди. Бутун масъулиятни ўзига олиб, оз куч ва пухта ўйланган режа билан Қарши қалъасини тунда, ёвлар гафлат уйқусида ётганда тўсатдан бориб эгаллашнинг ажойиб бир тадбирини ўйлаб топади.

Бу пайтда Темурбек ўттиз ёшли паҳлавон йигит эди. Айни кучга тўлган, жуда кўп тарихий воқеаларни бошдан кечириб, катта тажриба ортирган саркарда эди. У ўз кўшинлари орасидан жанг кўрган довурак ва эпчил баҳодирлардан 243 кишини танлаб олади-да, Қарши қалъасини ичидан ва ташидан кўриқлаб ётган ўн минг кишилик ёв лашкарига кечаси тўсатдан ҳужум уюштиради.

Сон жихатидан эллик баробар кўп лашкарга қарши қоронғу тунда ҳаёт-мамот жангига отланиш четдан қараганда ўта қалтис бир таваккалчилик бўлиб кўриниши мумкин. Аммо Темурбек учун бу бир таваккалчилик эмас, балки барча имкониятлари олдиндан пухта ўрганилган, лойиҳаси зарғарона аниқлик билан тайёрланган мардона ҳарбий тадбир эди. Қарши қалъасининг ҳокими Амир Мусо тўрт тарафга ўз айғокчиларини юбориб, Темурбекнинг қаерда юрганига, қанча одами борлигига, нима қилаётганига кўз-қулоқ бўлиб турар эди. Чунки ҳозир Қарши қалъасига Темурбекдан бошқа ҳеч ким ҳавф соломас эди. Амир Мусонинг хўжайини Хусайнбек ҳам «фақат Темурдан эҳтиёт бўл!», деб унга қайта-қайта тайинлаган эди.

Буни яхши биладиган Темурбек, энг аввало, Амир Мусонинг ҳавотирини босадиган, уни хотиржам ва бепарво қиладиган илк тадбирни амалга оширади. Бу илк тадбир ҳақида «Темур тузуқлари»да шундай дейилади:

«Қарши қалъасидаги бекларнинг хотирини жам қилиш учун бу ердан кўчиб, Хуросон томонга қараб йўлга тушдим. Аму дарёсидан кечиб ўтганимда Хуросон томондан Қаршига қалаётган қарвонга дуч келдим. Қарвон бошчиси менга совғалар такдим этди. Мен ундан Хуросон амирларининг ҳол-аҳволини суриштирдим, Хуросон вилоятига қалаётганимни изҳор этиб, кетишларига рухсат бердим.

Фақат қарвонга айғокчи кўшиб юбордим. Ва у хабар келтиргунича дарё соҳилига жойлашиб, кутдим. Айғокчи олиб келган хабарга кўра, қарвондагилар Амир Мусога шундай дейдилар: «Темурни Амударёнинг нариги ёқасида кўрдик, Хуросон тарафга

кетаётган экан». Бу гап Амир Мусо ва Амир Хусайннинг лашкарига етгач, хаммаси хурсанд бўлиб ўйин-кулгу, айшу ишратга бериладилар».

Бу парчада «айгокчи» деб аталган одам бугунги тилда «хуфя» ёки «разведкачи» деб айтилади. Темурбек ёв томонидан олинадиган ахборотга канчалик катта аҳамият бергани бу ерда жуда аниқ кўзга ташланади. У режалаштирган калтис тадбир аниқ маълумотлар ва имкониятларни ҳисобга олиб тузилган ва ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширилган ҳарбий кашфиёт эканини воқеаларнинг кейинги ривожига ҳам кўрамит.

Карши калъасини Темурбек ўзи курдиргани учун унинг қаерида нима борлигини яхши биларди. У кўшинлари орасидан жанг кўрган баходир йигитларни танлаб олгач, Амударёдан уларни олиб ўтади, Каршига етмасдан Ширкент (Бешкент яқинидаги қишлоқ) деган жойда тўхтади. Ва бир кеча-кундуз атрофни кузатиб, ҳужумга тайёргарлик кўради. Бу тайёргарликнинг бир қисми — йўгон арконларни бир-бирига боғлаб, баланд калъа деворига чиқадиган кўлаки нарвонлар яшадан иборат эди. Бу нарвоннинг зиналари ҳам пишиқ аркондан қилинади. Улар ёғоч нарвонларга нисбатан енгил. Уларни калъа деворидаги кунгира-шинақларга отиб илинтириш осон. Улар ёғоч нарвонга ўхшаб кўпол эмас ва так-тук овоз чиқармайди. Ўйланган тадбир амалга ошиши учун буларнинг хаммаси жуда муҳим эди!

Темурбек шу қадар эҳтиёткорлик ва аниқ ҳисоб-китоб билан амалга оширмоқчи бўлган ҳарбий тадбирда ўз одамларини қутилмаган ҳавф-хатардан асраб-авайлашга жуда катта эътибор беради. Бунинг аниқ далили ва исботларини «Темур тузуклари»да учратамиз:

«Карши калъасидан бир фарсанг (тахминан олти чақирим) масофага келиб тушдим... Шу пайт Амир Жоку тизза уриб, «Бир гуруҳ баходирлар орқада қолдилар, улар келгунча тўхтаб туриш зарур», деб ўтинди. Шунда хотирамга бир фикр келди. Баходирларим етиб келгунча калъани ўзим кўздан кечирмоқчи бўлдим. Қирк киши ҳамроҳлигида Карши калъаси томон йўл олдим. Калъа қораси кўринган жойда баходирларимни тўхтатиб қўйдим ва уйимизда тугилиб ўсган Мубашшир билан Абдулло исмли йигитларни бирга олиб, ўзим кетдим. Сув билан тўлдирилган хандак бўйига етдим. Қарасам, хандак сув билан лиммо-лим экан. Теварак-атрофга назар солиб, хандак тепасидан калъага сув олиб борадиган тарновга кўзим тушди. Отимни Мубашширга қолдириб, ўша тарнов орқали сув кечириб, хандак устидан ўтдим ва калъа деворига яқинлашдим. Дарвоза олдида бориб, эшик қокдим. Дарвозабонлар ухлаётган экан, ичкаридан садо чиқмади. Калъа деворини кўздан кечириб, нарвон қўйиб, аркон зиналар билан чикса бўладиган жойни топдим. Сўнг орқага қайтдим ва отланиб баходирларим олдида бордим».

Темурбек қай даражада доғруқ ва мард йигит бўлганлиги мана шу лавҳада бўртиб кўринади. Унинг мардлиги — бутун масъулиятни ўзига олиб, барча ҳавф-хатарга аввало ўзи юзма-юз бўлганида кўзга ташланади. Агар кўргон дарвозахонаси ичида кўрикчилар уйгоқ бўлганда Темурбек эшик тақиллатган захоти ёпирилиб чиқишлари ва уни тутиб олишлари ёки ўқ ёғдириб тирик қўймасликлари мумкин эди. Дарвоза қаршисидаги сув тўлдирилган қохдан ўтиб қутулиб кетишнинг эса имкони йўқ эди. Темурбек шуни била туриб дарвозани тақиллатиб кўради. Ички бир овоз унга «ҳеч қим йўқ, кўркма!» дегандай далда беради. Чиндан ҳам калъа ичидагилар қайф-сафодан кейин қаттиқ уйкуга кетган бўладилар. Дарвозагача бориб, вазиятни шахсан ўзи аниқлаган Темурбек энди қатъият билан калъага ҳужум уюштиради. 200 йигит Темурбек синаб кўрган тарнов орқали сув тўлдирилган қохдан ўтади ва калъа девори бўйлаб секин илгари

юради.

Саркарда белгилаб кўйган жойда аркондан тўкилган нарвонларнинг учини юкорига отиб, калъа кунгираларига илинтирадилар.

Эр йигитлардан кирк киши ана шу нарвонлар билан калъа девори устига чикадилар. Бу ишлар хаммаси овоз чикармасдан ими-жимида килинади. Калъа девори устидан юриб бориб, Темурбек такиллашиб кўрган Гузор дарвозахонасига юкоридан тушадилар. Дарвозахонада ухлаб ётган кўрикчилар энди уйғониб кетади ва шовкин кўтариб, курол ишлатмокчи бўлади. Шунда Темурбекнинг кирк йигити уларни уриб йикитиб, кўл-оёқларини боғлайдилар.

Темурбек колган 160 йигити билан дарвоза ташкарисида унинг очилишини кутиб туради. Дарвозага отнинг калласидай кулф осилган бўлади. Калит топилмайди. Йигитлар кулфни болта билан уриб синдириб туширадилар. Дарвоза оркасига тош ва кесакларни уйиб, очилмайдиган килиб қўйган эканлар. Энди бир эмас, икки-уч болта билан дарвозани бузиб, кулатиб йўл очадилар. Дарвоза ташкарисида чоҳдан ўтиладиган кўприк бор экан. Аркон билан кўтариб қўйилган кўприкни чоҳ устига туширадилар. Шундан сўнг Темурбек бошлик барча баходирлар кўприкдан ва кулатилган дарвозадан ўтиб калъага кирадилар. Темурбек беш-ўн жойда ўтқир овозли бурги ва карнай чалдиради. Калъада маст уйкуда ётган Амир Мусо ва минглаб навкарлар чўчиб уйғонадилар. Улар Темурбекнинг момакалдирокдай гулдураган овозини эшитадилар. Темурбек катта кўшин билан келганини айтиб, беҳуда кон тўкилмаслиги учун каршилиқ кўрсатмасдан таслим бўлишни талаб килади. Калъадагиларни ваҳима босади. Уларнинг назарида Темурбек осмондан тушгандай туюлади. Коронгуда ўзларининг кўриб кочаётган одамлари ҳам Темурбекнинг кувиб келаётган баходирларидек кўринади. Калъа бошлиги Амир Мусо Самарканд ва Бухоро томонга қараган дарвозалар ланг очик турганини, ваҳимага тушган навкарлар ўша дарвозалардан кочиби чиқиб кетаётганини кўради. Уларни камчи ҳам, килич ҳам орқага қайтара олмайди. Шундан кейин Амир Мусонинг ўзи ҳам уйда колган хомиладор хотини Орзу Маликни ва 14 яшар ўсмир ўгли Мухаммадни химоясиз колдириб, калъанинг Самарканд дарвозасидан чиқиб кочади. Калъада саросима бўлиб, қайси дарвозадан кочиби кутулишни билмай изғиб юрган ёв навкарлари кўп эди.

Овози баланд жарчилар уларга Темурбек номидан мурожаат килиб, таслим бўлганларнинг жони омон қолишини маълум килади: «Биз бир эл, бир юрт одамларимиз, ораларингда Амир Хусайннинг ёлгон ваъдаларига ишониб алданган навкарлар кўп, бир вақтлар Темурбек хизматида бўлганлар ўз хатоларига чин дилдан икром бўлиб тавба қилсалар, улар адолат учун қурашаётганлар сафига яна қабул қилинганлар!».

Темурбекнинг ўзи ҳам от устида туриб, калъа ичида саросима бўлиб кочаётганларни таслим бўлишга ва адолат йўлига қайтишга даъват этади.

Темурбекнинг сўзи билан иши бир эканини, унинг мардлиги ва тантилигини амалда кўп марта кўрган кўплаб йигитлар қуролларини ташлаб таслим бўладилар ва Темурбек каршисида тиз чўкиб, агар тирик қолсалар умрбод унга содиқ қолишларини айтадилар. Шу тарзда Темурбекнинг баходир йигитлари сафига яна юзлаб янги навкарлар қўшилади. Тонг отиб кун ёришгандан кейин Амир Мусонинг калъадан кочиби чиққан минглаб навкарлари юзбоши ва мингбоши амирлар тазъйики остида бир жойга тўпланадилар. Улар ақл-хушларини сал йигиб олганларидан кейин тунда калъага бостириб кирган Темурбек аскарлари сон жихатидан унча кўп эмаслигини фахмлайдилар. Холбуки, калъа ташкарисида турган етти минг аскар хали жангга

кирган эмас эди. Факат Дуррака Баходир деган амир ўзининг беш юздан ортик навкарлари билан Гузор дарвозасидан ок байрок билан келиб, Темурбек томонга ихтиёрий равишда ўтиб кетган эди.

Бундай ходисалар такрорланишидан кўрккан Амир Мусо Малик Баходир деган энг якин амири билан бор кўшинини тўплаб, калъа атрофини ўраб олади. Улар сув тўлдирилган чохдан ўтишнинг иложини тополмай, анча наридан ўк отиб кўрадилар. Аммо ўклари калъада химояда турганларга етиб келмас эди.

Амир Мусонинг лашкари кўп бўлгани учун калъага икки кун давомида кайта-кайта хужум килиб кўради. Бу хужумларни кайтаришда Темурбек шахсан ўзи ҳам кўлда килич билан жанг килади. Шунга оид бир лавхани Ш.Яздий «Зафарномаси»дан келтириш мумкин:

«Душман томони юз кишиким черик оркасида черик саклагани туриб эрдилар, икки кўшин бўлиб, бири ўзини Элчи Буго Баходирга урди ва бири хазрат сохибкирон сари чопдилар. Хазрат сохибкирон килич тортиб, алар сари чопиб, ел кибиким, хашакни сургай, уларни ўшандок суриб, бир-бир мағлуб этди. Ўзгаларким, ул хамлани кўрдилар, алар даги турмай кочдилар».

Ўрни келганда шуни айтиш ўринлики, дунё микёсида шухрат қозонган улуг саркардалардан факат Александр Македонский Темурбек каби 30 ёшларида ўз кўшинининг олдинги сафида душманлари билан бевосита килич чопиб жанг қилган экан. Унинг ўз жангчиларига кўрсатган шу қахрамонона ибрати ва бошка фазилатлари учун хамсанавислар уни кўп улуғлаганлар. Хусусан, хазрат Алишер Навоий ўзининг «Садди Искандарий» достонида Искандарни подшо ва саркардаларнинг энг ботири деб эъзозлаганлар. Темурбек ҳозир ўша даражада жанг қиларди. Темурбек жангга қирганда унинг овозини, ҳатто номини эшитган душманларини ваҳима босарди. Чунки ундаги афсонавий шижоат ва голибликнинг асл манбаи илохий қудратдан деб ишонадиганлар кўп эди. Ш.Яздий ҳам бу ҳақда ишонч билан ёзади:

«Инояти илохийни кўрингки, бир кишигаким, ани иноятидин ҳосе қилса, анга андок журъат берурким, икки юз қирк уч киши билан ўн икки минг кишини урушиб босқай (енггай) ва икки кунда аларнинг шаҳар ва қалъасини олгай... Ва бу сўз ёлгон эрмас, анинг учунким, ул маърақада бўлгон кишилардин эшитиб ва кўрганлардин таҳқиқ қилиб битдук. Душманларнинг азимат ва шавқатлари бартараф бўлиб, ҳар бири бир сори қочдилар... Хазрат сохибкирон ул киш саодат ва иқбол билан Қаршида турди ва лутфу эҳсон била андаги улуг, қичик, фақир, мискин раиятларга шафқат қўзи билан боқиб, зироатқа ва иморатқа саъйи қилди».

Чиндан ҳам Темурбекнинг Қаршини золим Хусайнбек асоратидан озод қилишдаги тенгсиз жасорати ва пухта ўйлаб амалга оширган тадбири бу қадар муваффақиятли чиккани илохий бир иноятдек туюлади. Қарши қалъасида қўлга тушган асирлар орасида Амир Мусонинг Муҳаммад исмли ўсмир ўғли ҳам бўлади. Баъзи амирлар уни банди қилиб гаровда саклашни маслаҳат берадилар. Аммо Темурбек бундай ишни ўзига муносиб қўрмайди. Ўсмир Муҳаммадни қочириб юборишни буюради. «Токи у отасига барча кўрганларини айтиб берсин, Амир Мусо Темурбекка бас қелолмаслигини шундан ҳам сезсин». Бу тадбир ҳам, албатта, ўз натижасини беради. Амир Мусо Темурбекдан енгилиб, ҳомийси Амир Хусайн ҳузурига қочиб кетади.

Яздийнинг гувоҳлик берганидек, Темурбек Қарши шаҳрида қишлоқ ойларида мискин ва фақирларга эҳсонлар қилади, вайрон бўлган иморатларни қайта тиклатади, баҳор қишлоқларида экин экиш учун уруғлиги бўлмаган деҳқонларга уруғлик улашади. Бу ҳақда

«Темур тузуклари»да шундай дейилади: «Менинг даргохимга илтижо килиб, панох истаб келган турку тожик, арабу ажам тоифаларидан бўлган... дехконлар ва раиятдан кайси бирининг дехкончилиги килишга курби етмай колган бўлса буюрдимким, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фукародан кимнинг уй иморати бузилиб, тузатишга курби етмаса, керакли ускуналар билан ёрдам кўрсатилсин».

Бу хаммаси Темурбекнинг чинакам халқпарвар йўлбошчи бўлганини кўрсатади ва эл-юрт орасида унинг тарафдорлари сонини кўпайтиради. Каршидан кейин Бухоро Темурбек ихтиёрига ўтади. У ерга Темурбек ўзининг ишонган амирларидан Махмудшоҳ ва Али Ясаурийни ҳоким ва калъа беги килиб тайинлайди.

Каршидан бошланган зафарлар йиллар давомида бутун Туронни камраб олди. Тошкент ва Самарканд ҳам Амир Хусайндан юз ўгириб, Темурбек ихтиёрига ўтди. Термиз, Кундуз вилоятларининг беку амирлари ҳам ўз навкарлари билан Амир Темур лашкарлари сафига келиб қўшилдилар. Эл-юрт назаридан колган Амир Хусайн ўз хиёнатларининг курбони бўлиб ҳаётдан кўз юмади.

1370 йилги истиклол кунларида Туроннинг барча вилоятларидан Самаркандга йигилиб, улкан курултой ўтказган эл-юрт ақобирлари, энг нуфузли халқ вакиллари 36 ёшли йигит Амир Темурни қахрамон ва соҳибкирон деб улуғладилар, унинг бошига олтин тож кийдирдилар, белига тилла камар боғлаб, мустақил Турон ҳукмдори сифатида тахтга чиқардилар.

Биз Амир Темур етакчилигида эришилган истиклолнинг нақадар улуғ қадрият бўлганини орадан асрлар ўтгандан кейин Ўзбекистон мустақиллиги йилларида астойдил ҳис қилдик. 1996 йил мамлакатимизда «Амир Темур йили» деб эълон қилинган кунларда улуғвор Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиш маросимида юртбошимиз Ислам Каримов айтган қуйидаги сўзлар бизнинг Соҳибкирон бобомизга аталган эзгу туйғуларимизни ифода этди:

— Мўғул истибдоди авжига чиққан йилларда Мовароуннаҳрдай гуллаб-яшнаган пойдор юрт ўзининг тарихий номини ҳам йўқотиб, мустамлака ўлкасига — Чигатой улусига айланиб колган эди... Чексиз адолатсизликлардан Темурбекнинг канчалар изтироб чекканини бизнинг авлодимиз — сиз билан биз — айниқса чуқур ҳис қиламиз. Чунки орадан олти аср ўтиб, худди шундай кўргуликлар бизнинг ҳам бошимизга тушган эди. Шавкатли аждодимизнинг ўлмас хизматлари шундаки, у мураккаб тарихий шароитда халқнинг бошини қовуштира билди. Истилочиларга қашатқич зарбалар бериб, Туркистон заминида илк бор истиклол байроғини баланд кўтарди. Пароканда эллар, элатларни бирлаштириб, марказлашган қудратли давлат тузди... Зурриётларига қарата «истиклол билан мулку миллат, лашкар ва раъиятни бошқарингиз!» деб васият қилди. Бу ўлмас васият бугунги Ўзбекистон истиклоли даврида халқимиз ва раҳбариятимиз томонидан изчил амалга оширилмоқда. Биз бу тарихий ҳодисага нафакат гувоҳмиз, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан хайрли ишларга заррача бўлса ҳам ҳисса қўшиш иштиёқи билан меҳнат қилмоқдамиз.